



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 14 » oktabr

№ 596

Toshkent sh.

Касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ-214-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ-214-сон қарорига мувофиқ:

a) 2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январга қадар:

Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан олис ва чекка ҳудудлардаги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ-214-сон қарорига 1-иловага мувофиқ) маҳаллаларда **касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига** ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртacha даромади миқдорида **бир марталик субсидия ажратиш**;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тадбиркорлик субъектларига** “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг **50 фоизгача бўлган қисми**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **15 бараваригача миқдорида субсидия ажратиш** белгиланганлиги;

б) **2023 йил 1 январдан бошлаб** нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида иш билан банд бўлмаган фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитишнинг қуйидаги тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузуридаги малакани баҳолаш марказлари томонидан касбий малака талабларини ишлаб чиқиш ва салоҳиятли таълим ташкилотларига давлат буюртмасини бериш;

ўқув курсларини тугатган фуқароларнинг билим даражасини малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқлаш ва шу асосда уларга малака сертификатлари бериш;

малака сертификатини олган фуқароларга меҳнат фаолиятини бошлиши учун ўқиши харажатларига тенг микдорда малакани баҳолаш марказлари томонидан субсидиялар бериш.

2. Белгилансинки, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари давлат буюртмаси асосида нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитилган фуқароларни малака даражасини баҳолаш учун малакани баҳолаш марказларига юборади ҳамда малака имтиҳонларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни ҳар бир банд бўлмаган шахс учун **базавий ҳисоблаш микдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган микдорда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб беради**.

3. Куйидагиларни назарда тутувчи:

а) Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан олиса чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

тадбиркорлик субъектлари томонидан касаначиликни ташкил этганидан камида уч ой ўтгандан сўнг субсидия олиш учун тегишли туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ёзма равишда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш;

туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан тадбиркорлик субъектининг мурожаатини кўриб чиқиб, касаначиликни ташкил этганлиги учун субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичida талабгорга ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртacha даромади микдорида бир марталик субсидия ажратиш тартиби;

б) Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатлари учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

тадбиркорлик субъектлари томонидан касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун тегишли туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ёзма равишда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш;

туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва тадбиркорлик субъекти ўртасида ижтимоий контракт тузиш тартиби;

туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичida тадбиркорлик субъектига ҳар бир касаначига асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг 50 фоизгacha бўлган қисми, бироқ базавий хисоблаш миқдорининг 15 бараваригacha миқдорида субсидия ажратиш;

касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари томонидан ҳар ойда мониторинг қилиб бориш ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналарга ажратилган субсидияларни қайтариб олиш тартиби;

в) Нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

туман (шаҳар) ҳокимлари, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази билан биргаликда келгуси йил учун жорий йилнинг 10 декабряга қадар иш билан банд бўлмаган фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари томонидан Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари билан биргаликда давлат буюртмаси асосида касаначиларни касбга ўқитиш бўйича белгиланган давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитишга йўналтириш;

касбга ўқитилган касаначиларнинг малака даражасини баҳолаш, уларга малака сертификатини бериш ҳамда касаначиларни касбга ўқитишни молиялаштириш тартиби.

4. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Ягона электрон шартномалар ахборот порталини “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига интеграция қилиш чораларини кўрсинг. Бунда ушбу комплекс орқали касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдорини реал вақт режимида аниқлаш имкониятини яратиш назарда тутилади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида, интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиши тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига 4-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

7. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б.Хусанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “14” октябрдаги 596-сон қарорига
1-илова

**Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан олис ва чекка
худудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган
тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Жамоат ишлари жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамгарма) маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ-214-сон қарорига 1-иловада келтирилган олис ва чекка худудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда – талабгор) субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Касаначиликни ташкил этган талабгорларга ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртacha даромади миқдорида бир марталик субсидия ажратилади.

3. Талабгорларга субсидия туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари (кейинги ўринларда – маҳаллий меҳнат органлари) томонидан мазкур Низомга иловага мувофиқ схема бўйича ажратилади.

2-боб. Мурожаат қилиш тартиби

4. Талабгор касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласди.

Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, тадбиркорлик субъектининг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилади, шунингдек, мурожаатга касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори тўғрисидаги маълумотнома (ёки касаначининг дастлабки уч ой давомидаги фаолияти учун тўловларни банк орқали тўланганлигини тасдиқловчи маълумотнома) илова қилинади.

3-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

5. Маҳаллий меҳнат органи талабгор томонидан субсидия олишни сўраб тақдим этилган хужжатларни 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади. Бунда субсидия бериш учун тадбиркорлик субъекти ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси Давлат солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида (кейинги ўринларда

– Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда расмийлаштирилганлигига камида 3 ой ўтганлиги асос ҳисобланади.

6. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, унда барча зарур маълумотлар кўрсатилганлиги, касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси расмийлаштирилганлигига камида уч ой ўтганлиги, Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори ҳаққонийлиги тасдиқланганда, маҳаллий меҳнат органи талабгорга касаначиликни ташкил этганлиги учун субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қиласи. Қарорда субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати (мурожаат тушгандан сўнг 3 иш кунидан ошмаган муддатда) кўрсатилиши лозим.

Бунда маҳаллий меҳнат органи томонидан касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори ҳаққонийлиги туман (шаҳар) давлат солик инспекциясидан маълумот олиш йўли билан ёки “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали амалга оширилади.

7. Субсидия ажратиш қуидагиларга кўра рад этилади:

хужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмагандан;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмагандан;

касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори тўғрисидаги маълумот ҳаққонийлиги тасдиқланмаса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

8. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

9. Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичida ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган миқдорда бир марталик субсидия ажратилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

10. Мазкур Низомда ажратилиши белгиланган субсидияни олаётган талабгорлар бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишсиз шахслар бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.

11. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан олис ва чекка худудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби түгрисидаги низомга илова

Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан олис ва чекка худудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъекти (талағор)	Олис ва чекка худудлардаги маҳаллаларда касаначиликни ташкил этганилиги учун субсидия олиш мақсадида туман (шаҳар) Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказига зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда ёзма равища мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Туман (шаҳар) Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази	1. Талағор мурожаатини илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ўрганиб чиқади. 2. Талағорга субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш түгрисида қарор қабул қилади. 3. Ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш түгрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талағорга ушбу қарор нусхасини юборади.	3 иш куни ичida 1 кун муддатда
3-босқич	Туман (шаҳар) Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази	Субсидия ажратиш түгрисида қарор қабул қилингандан сўнг талағорга ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида бир марталик субсидия ажратилади.	Қарор қабул қилингандан сўнг 5 иш куни ичida

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “14” октябрдаги 596-сон қарорига
2-илова

**Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан
тадбиркорлик субъектларига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”,
“Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона
реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган
фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатлари
учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда – талабгор) “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга (кейинги ўринларда – касаначилар) асбоб-ускуналар харид қилиб бериш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Талабгорларга касаначилар учун асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг 50 фоизигача бўлган қисми, бироқ базавий ҳисоблаш микдорининг 15 бараваригача микдорида субсидия ажратилади.

3. Талабгорларга субсидия туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда – маҳаллий меҳнат органлари) томонидан мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ажратилади.

2-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

4. Талабгор касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчилари) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласи.

Талабгорнинг мурожаатида касаначиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, тадбиркорлик субъектининг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобвараги (реквизитлари) ва манзили кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёки пуррат шартномаси илова қилиниши шарт.

Бунда талабгор мурожаатда касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб, субсидия ҳисобига харид қилинадиган асбоб-ускуна номи ва тури, аниқ харид нархини кўрсатиши лозим.

5. Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Бунда субсидия бериш учун тадбиркорлик субъекти ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Давлат солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида (кейинги ўринларда – Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги, шунингдек, касаначи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилганлиги ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да турганлиги асос ҳисобланади.

6. Маҳаллий меҳнат органи томонидан талабгорнинг харид қиласиган асбоб-ускуналари нархини ўрганиш давлат харидларининг электрон тизими ёки бошқа очиқ манбаларнинг маълумотларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Ўрганиш натижаларига мувофиқ асбоб-ускунанинг нархини талабгор томонидан бозордаги ушбу асбоб-ускуналарнинг ўртacha нархи қийматига teng (ёки ундан юқори) белгиланганлиги маҳаллий меҳнат органи харид комиссияси қарори билан тасдиқланади.

7. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, унда барча зарур маълумотлар қўрсатилган ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги, касаначи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилганлиги ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да турганлиги тасдиқланганда маҳаллий меҳнат органи ва талабгор ўртасида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ижтимоий контракт тузилади.

8. Ижтимоий контракт тузилгандан сўнг маҳаллий меҳнат органи томонидан талабгорга касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб асбоб-ускунани харид қилиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилинади. Қарорда субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати (мурожаат тушгандан сўнг 3 иш кунидан ошмаган муддатда) кўрсатилиши лозим.

9. Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичида талабгорга ҳар бир касаначига асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади.

10. Субсидия ажратилгандан сўнг 10 кун ичида талабгор ҳар бир касаначи учун асбоб-ускуналар харид қилинганлиги ва касаначиларга бепул берилганлиги ҳамда асбоб-ускуналарнинг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддатини кўрсатган ҳолда ижтимоий контракт тузилган маҳаллий меҳнат органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11. Субсидия ажратиш қўйидагиларга кўра рад этилади:

хужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пурдат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда;

касаначи “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилмаганлиги тасдиқланганда;

харид қилинадиган асбоб-ускунанинг нархи қасдан юқори қилиб кўрсатилганлиги аниқланса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

12. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органлариша шикоят қилиши мумкин.

3-боб. Касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналарга ажратилган субсидияларни қайтариб олиш тартиби

13. Маҳаллий меҳнат органлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари ажратилган субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна асосида ишлаётган касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини бир ойда бир маротаба олти ой давомида мониторинг қилиб боради.

14. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра ижтимоий контрактда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда субсидия асосида харид қилинган асбоб-ускуналарнинг фойдаланилмаётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органлари томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган тадбиркорлик субъектига хабарнома юборилади.

15. Субсидия ажратилган тадбиркорлик субъекти хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.

16. Хабарнома тушган кундан эътиборан уч иш куни ичидаги (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг) маҳаллий меҳнат органи ва ҳоким ёрдамчиси субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна билан фаолият юритаётган касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини қайта мониторинг қиласади.

Ўтказилган мониторинг натижаларига қўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратилган тадбиркорлик субъектига ажратилган субсидияларни қайтариш бўйича қарор қабул қиласади, ижтимоий контрактни бир томонлама бекор қиласади ва субсидия ажратилган тадбиркорлик субъектига хабарнома юборади.

Хабарномада субсидия ажратилган тадбиркорлик субъекти томонидан ажратилган субсидияларни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

17. Субсидия ажратилган тадбиркорлик субъекти хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичидаги ажратилган субсидияларни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Мазкур Низомда ажратилиши белгиланган субсидияни олаётган тадбиркорлик субъектлари бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишсиз шахслар бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.


19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий химоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатлари учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий химоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш учун субсидия ажратиш

СХЕМАСИ



Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-боскич	Субсидия ажратилган тадбиркорлик субъекти	Субсидия ажратилгандан сўнг талабгор ҳар бир касаначи учун асбоб-ускуналар харид қилинганлиги ва касаначиларга бепул берилганини ҳамда асбоб-ускуналарнинг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддатини кўрсатган ҳолда ижтимоий контракт тузилган маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда хабардор қиласди.	10 кун ичида
5-боскич	Туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	Ажратилган субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна асосида ишлаётган касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб боради. Камчиликлар аниқланса тадбиркорлик субъектига уларни бартараф этиш бўйича хабарнома юборади.	Ҳар ой бир маротаба
6-боскич	Субсидия ажратилган тадбиркорлик субъекти	Хабарнома олинган кундан эътиборан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.	Бир ой ичида
7-боскич	Туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	1. Хабарнома тушган кундан эътиборан субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна билан фаолият юритаётган касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини қайта мониторинг қиласди. 2. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганилиги аниқланса, ажратилган субсидияларни қайтариш бўйича қарор қабул қиласди, ижтимоий контрактни бир томонлама бекор қиласди ва талабгорга хабарнома юборади	3 иш куни ичида (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг)
8-боскич	Субсидия ажратилган тадбиркорлик субъекти	Хабарнома тушган кундан эътиборан ажратилган субсидияларни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига тўлиқ микдорда қайтаради.	5 иш куни ичида

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан тадбиркорлик субъектларига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатлари учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга

2-илова

НАМУНА

**-сон
ИЖТИМОЙ КОНТРАКТ**

20 ____ й. “_____” _____.

Ушбу ижтимоий контрактни (кейинги ўринларда – контракт) тумани (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази номидан _____ асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда – маҳаллий меҳнат органи) ва (маҳаллий меҳнат органи раҳбарининг Ф.И.О.) _____ манзилида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъекти _____ (номи, манзили ва бошқа реквизитлари) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Контрактнинг мазмуни

1.1. Контракт маҳаллий меҳнат органи билан тадбиркорлик субъекти ўртасида (кейинги ўринларда – тарафлар) Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан тадбиркорлик субъектига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг 50 фоизгacha бўлган қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача миқдорида субсидия ажратиш учун тузилди.

1.2. Контракт қуйидагилардан иборат бўлади:

ижтимоий контракт тарафлари (тадбиркорлик субъекти ва туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази);

тарафларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

ижтимоий контрактнинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш асослари.

II. Тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Маҳаллий меҳнат органи қуйидаги ҳукуқларга эга:

тадбиркорлик субъекти контракт шартларини бажармаган тақдирда, контрактни бир томонлама бекор қилиш;

тадбиркорлик субъекти контрактдаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда, ажратилган субсидиялар қайтариб берилишини талаб қилиш;

касаначилик билан шуғулданаётган фуқароларнинг иш фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб бориш;

2.2. Тадбиркорлик субъекти қуидаги хуқуқларга эга:

маҳаллий меҳнат органи томонидан контракт шартларини бажармаган тақдирда, контрактни бир томонлама бекор қилиш;

маҳаллий меҳнат органи томонидан тақдим этилаётган субсидия ҳисобидан касаначилик билан шуғулданаётган фуқаро учун зарур асбоб-ускунани мустақил равищда харид қилиш;

маҳаллий меҳнат органи томонидан хуқуқий маслаҳатлар олиш, контракт шартлари түлиқ ва ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

2.3. Маҳаллий меҳнат органи қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

контракт шартларини түлиқ ва ўз вақтида бажариш;

контракт тузилгандан сўнг унда белгиланган субсидияни белгиланган тартибда тўлаб бориш;

субсидия ажратилиши ҳисобига касаначилик билан шуғулданаётган фуқароларга харид қилинган асбоб-ускуналар берилиши ва асбоб-ускунанинг фойдаланилаётганлиги устидан мониторинг ўрнатиш;

2.4. Тадбиркорлик субъекти қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

тадбиркорлик субъекти ва касаначилик билан шуғулданаётган фуқаро(лар) ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномасини Давлат солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш;

субсидия ажратилгандан сўнг касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб, субсидия ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарни касаначига бепул бориш;

касаначиларга ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича буюртма бериш ва белгиланган тартибда касаначининг иш ҳақини тўлаб бориш;

субсидия ҳисобидан сотиб олинган асбоб-ускуналар касаначи томонидан фойдаланилмаган тақдирда, ажратилган субсидия миқдорини белгиланган тартибда тўлиқ қайтариш.

Контракт имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

III. Тарафларнинг жавобгарлиги

3.1. Тадбиркорлик субъекти субсидия берилиши учун ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлиги учун қонунчиликка мувоғик жавобгарликка тортилади ва контракт бир томонлама бекор қилинади.

3.2. Контракт бажарилиши мониторингини олиб бориш маҳаллий меҳнат органлари ва маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари томонидан амалга оширилади. Контракт шартлари бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳар ойда бир маротаба 6 (олти) ой давомида касаначилар билан бевосита учрашиш орқали амалга оширилади.

Контракт шартлари бажарилмаган ҳолларда маҳаллий меҳнат органи тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбиркорлик субъектига хабарнома юборилади. Тадбиркорлик субъекти томонидан узрсиз сабабларга кўра контракт шартлари бажарилмаган тақдирда, контракт бекор қилинган кундан эътиборан ўн икки ойгacha ушбу тадбиркорлик субъекти билан контракт тузилмайди.

IV. Форс-мажор ҳолатлари

4. Тарафлардан ҳеч бири уларнинг иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқадиган, яъни иштирокчиларга боғлиқ бўлмаган сабаблар, жумладан, касаллик, контракт бажарилмаслигига олиб келадиган холисона сабаблар туфайли бажарилмаган ҳолларда контрактнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин ҳамда мажбуриятларни бажармаганлик учун бошқа тараф олдида жавобгар бўлмайдилар.

V. Контрактнинг амал қилиш муддати

5.1. Контракт имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 6 (олти) ой амал қиласи.

5.2. Контракт икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

Туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига
кўмаклашиш маркази раҳбари

Тадбиркорлик субъекти

_____ (имзо)
(Ф.И.О)
_____ (сана)

_____ (имзо)
(Ф.И.О)
_____ (сана)

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “14” октябрдаги 596-сон карорига
3-илова

**Нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида
касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз
ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида шакллантирилган давлат буюртмасига мувофиқ давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш ҳамда уларга малака сертификати беришни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари – давлат буюртмаси асосида ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;

ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш бўйича давлат буюртмаси (кейинги ўринларда – давлат буюртмаси) – меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш учун бериладиган буюртма.

3. Касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган шахслар (кейинги ўринларда – касаначилар)ни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

касби мавжуд бўлмагандан;

мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни ўзгартириш зарурати бўлганда;

касбий кўникмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги, касбига доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;

аввалги касби бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

4. Касаначиларни касбга ўқитиш:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиш масканларида;

вазирлик ва идоралар тизимида профессионал таълим ташкилотларида ташкил этилган қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курсларида;

нодавлат касб-хунарга ўқитиш ташкилотларида амалга оширилади.

2-боб. Давлат буюртмасини шакллантириш

5. Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначиларни касбга ўқитиш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Туман (шаҳар) ҳокимликлари, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази билан биргаликда келгуси йил учун жорий йилнинг 10 декабряга қадар:

худудларда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг касаначилик йўналишларида малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганади;

касбга ўқитишга эҳтиёжи бўлган фуқароларнинг касаначилик фаолияти йўналишлари бўйича касблар бўйича давлат буюртмасини ишлаб чиқади;

ишлаб чиқилган давлат буюртмасини тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича худудий кенгашларига (кейинги ўринларда – худудий кенгашлар) тақдим этади.

7. Худудий кенгашлар тақдим этилган давлат буюртмаларини умумлаштириб, таҳлил қиласи ва беш кун ичида тасдиқлайди.

Давлат буюртмасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш худудий кенгашлар томонидан амалга оширилади.

3-боб. Давлат буюртмаси асосида касаначиларни касбга ўқитишга йўналтириш

8. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари билан биргаликда:

ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган касбга ўқитиш бўйича белгиланган давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг йиллик ўқитиш эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ўқитиш тақсимотини ишлаб чиқади;

ўқитиш тақсимотига асосан давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначиларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш ишларини ташкил этади;

касбга ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиб боради;

касбга ўқитилган касаначиларни касаначилик фаолияти йўналишлари бўйича касбий малака даражасини баҳолаш учун малакани баҳолаш марказларига юборади.

4-боб. Давлат буюртмаси асосида касаначилик йўналишида касбга ўқитилган касаначиларни малака даражасини баҳолаш

9. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқиган касаначиларнинг малака даражасини баҳолаш учун уларни малакани баҳолаш марказларига, шу жумладан, “Ишга марҳамат” мономарказларида ташкил этилган малакани баҳолаш марказларига юборилишига кўмаклашади.

Бунда нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқиган касаначилар малака даражасини баҳолатиш учун ўзлари ихтиёрий равишида мурожаат қилиши мумкин.

10. Малакани баҳолаш марказлари томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори билан тасдиқланган Малака даражаларида эришиш схемаси асосида касбга ўқитилган касаначилар малакаси баҳоланади;

баҳолашдан муваффақиятли ўтган касаначиларга ўн кун ичида малака сертификати берилади.

5-боб. Касаначиларни касаначилик йўналишида касбга ўқитишни молиялаштириш

11. Касаначиларни касбга ўқитиш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида молиялаштирилади.

Бунда нодавлат таълим ташкилотларида касаначилик йўналишида ўкув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчига касбга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробаридан ошмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

12. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитишни амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Туман (шахар) ҳокимликлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази	<ol style="list-style-type: none">Худудларда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларнинг касаначилик йўналишларида малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганади.Касбга ўқитишга эҳтиёжи бўлган фуқароларнинг касаначилик фаолияти йўналишлари бўйича давлат буюртмасини ишлаб чиқади.Ишлаб чиқилган давлат буюртмасини тасдиқлаш учун худудий кенгашларга тақдим этади.	Келгуси йил учун жорий йилнинг 10 декабрига қадар
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича худудий кенгашлари	<ol style="list-style-type: none">Тақдим этилган касбга ўқитиш бўйича давлат буюртмаларини умумлаштириб, таҳлил қиласи.Давлат буюртмасини тасдиқлайди.	5 кун ичida

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажарыш муддатлари
3-босқич	Қарақалпогистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари	<ol style="list-style-type: none">1. Тасдиқланган давлат буюртмаси асосида таълим ташкилотларининг йиллик ўқитиш эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ўқитиш тақсимотини ишлаб чиқади.2. Ўқитиш тақсимотига асосан таълим ташкилотларида фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш ишлари ташкил этади.3. Касбга ўқитиши жараёнларини мониторинг қилиб боради.4. Касбга ўқитилган фуқароларни малака даражасини баҳолаш учун давлат ва нодавлат таълим ташкилотларидағи малакани баҳолаш марказларига юборади.5. Малака имтиҳонларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни ҳар бир банд бўлмаган шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.	Доимий равища
4-босқич	Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларидағи малакани баҳолаш марказлари	<ol style="list-style-type: none">1. Касбга ўқитилган касаначиларнинг малакасини баҳолайди.2. Баҳолашдан муваффақиятли ўтган фуқароларга малака сертификатини беради.	10 кун ичida



Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “14” октябрдаги 596-сон қарорига
4-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига киритилаётган қўшимча

З-илова (Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом) қуйидаги таҳрирдаги 44¹-банд билан тўлдирилсин:

“44¹. Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган ишсиз ёки иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиши рағбатлантириш учун ҳар бир меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган ишсиз ёки иш қидираётган шахс учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан касб-хунарга ўқиш даврида ҳар ой учун базавий ҳисоблаш микдорининг икки баробари микдорида рағбатлантириш тўлови тўлаб берилади. Бунда:

аҳолининг бандлигига кўмаклашиш марказлари ногиронлиги бўлган шахслар учун тавсия этилган касблар ва уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқиб, уларни касб-хунарга ўқитиши мақсадида давлат ёки нодавлат таълим ташкилотларига йўналтиради;

ногиронлиги бўлган шахсларга рағбатлантириш тўловини тўлаш хақидаги маълумотлар “Бандлик хизмати” ахборот тизимида акс эттирилади;

рағбатлантириш тўлови ўн икки ойлик давр ичida ўқиш даврининг кўпи билан йигирма олти календарь ҳафтаси давомида Халқ банки ва унинг филиаллари томонидан тегишли қайдномага асосан тўлаб берилади;

тўлиқ бўлмаган календарь ой учун тўлов тўланиши керак бўлган календарь ойдаги кунлар сонининг тўлиқ календарь ойдаги кунлар сонига мутаносиб микдорда тўланади;

давлат ёки нодавлат таълим ташкилоти ногиронлиги бўлган шахсларни ўқишидан четлатса, бу ҳақда З кунлик муддатда аҳолини бандлигига кўмаклашиш марказларини расмий огохлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

аҳолини бандлигига кўмаклашиш марказларига ўқишидан четлатилганлик тўғрисида хат келиб тушган кундан бошлаб З иш кунида рағбатлантириш тўловини тўлашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қиласи;

ўқув курслари узрли сабабларга кўра қолдирган тақдирда рағбатлантириш тўловлари тўхтатилмайди”.